

АДАБИЁТ САҲИФАСИ

ОНА

Она, сакуралар гуллади, такрор, Япония пуштига, бунди яна, Углингиз қўлидан келгани ашёр, Ёзган шеърларига суянди яна.

Она, сакуралар гуллади, ҳамма, Айниқса, Японлар боғларда тўп-тўп, Японлар жудам самимий, аммо, Хушомад қилади керагидан кўп.

Она, сакуралар гуллади, қаранг, Қалбда сир қолмади очигламаган, Йигитман, кўз ёшим тутяман аранг, Онасин соғиниб ким йиғламаган.

Она, сакуралар гуллади, кўркам, Боксангиз, зеркиш билмайсиз сира, Бизгачи? келгандир кўкламой кўклам, Бизда ҳам гилослар гуллагандир-а?

Она, сакуранинг чиройли ранги, Қаниди меҳрингиз ўрнин босолса, Менга қадрироқ болалиқдаги, Сиз тандирда ёлган,иссиқ кўк сомса.

Она, сакуралар гуллади роса, Тақдирнинг ишлари экан ажойиб, Кеча юришни ҳам билмаган бола, Одам бўлиб қобман бугун улғайиб.

Она, сакуралар гуллади, гўзал, Лек сизсиз умуман эмас ёқимли, Домига тортса-да,мени кенг шаҳар, Бемехр ўглингиз сизни соғинди.

Она, сакуралар ўзин йўлига, Ўзингиз омонни? Акам, отамчи? Кеча оиламиз кирди тушимга, Акам билан роса учди аргамчи.

Она, сакуралар гуллаверди, Сизчи қайтганимча қаримай туринг, Углингиз сизни кўп яхши кўради, Ҳечам ажинларга ён бермай туринг.

Эй, нафис сакура кўкка етказ бўй, Гўзаллик улашгин олам, одамга, Бугун бахтлигим сендан-да хушрўй, Жоним омонлигин етказ онамга.

Она, сакурага боқиб, бир зумга, Дедим мен яшайман қабам-онам деб, Жаннат пойларини суриб кўзимга, Онамни энди ҳеч соғинтирмам деб.

Она, ултиматум қўйдим ўзимга, Сиз учун, ҳаммадан бахтли бўламан...

Баҳодир ИСКАНДАРОВ.

СЕҲРЛИ ЁҒДУ ТАРБИЯ

"Бу кўҳна дунёда яшаган одам, Хаёти лаҳзада ёниб ўчган шам."
(Абдурахмон Жомий)

Ойу кўёшли, юлдузли олам,
Оламнинг - олий шохидир одам.

Инсон онгида мавжуд нурли шам.
Очур сирларин, оламлар мубҳам.

Ким ёқа олса топиб иложин,
Тутур ўзининг ақл гултожин.

Сеҳрли ёғду - бошлар тузга йўл,
Саҳрони айлар, у - бепоен кўл.

Ечар қийналмай, жумбоқ тугунин,
Кечага боғлар - нурли бугунин.

Гар ёқилмаса шам - кас онгида,
Зулматга ботур - умр тонгида.

Чора топмаса, йўқдир давоси,
Ишқсиз юракнинг - бўлмас навоси.

Шамнинг чақини қалбда яралар,
Кўчиб шуурга, ёғду таралар.

Кимники онги бўлса, гар нурсиз,
Сеҳрли ёғду сочмас нур - кўрсиз!

Ёнмасида шам, тугайди умри,
Бундай одамлар - хаёт кўмири.

Зоҳида МАЛИКОВА.



ҚИШ ХОТИРАСИ

Қор босган далалар хаёлчан,
Яланғоч дарахтлар мудрайди.
Музлаган хазонлар инграиб,
Унсиз, эзилиб йиғлайди.

Дарахтдан дарахтга қарғалар
Ҳағиллаб кўнади бирма-бир.
Мўрилардан тутунлар осмонга
Ўрлайди булутга айтиб сир.

Қор босган томларнинг бурчиди
Жунжиқиб туради чуғурчук,
Иссиқ печ ёнида тинмайин
Онам йигиради бир урчук.

Қорли тепалиқда болалар
Чопади бир-бирин итариб.
Шодланиб, завқланиб қийқираб
Дунёни бошига кўтариб.

Ўтин ёраётган болтанинг

Саодат АҲМЕДОВА.

Саси эшитилар гурсиллаб.
Болаларга қўшилиб юрган
Олапарим келади ҳарсиллаб.

Аёл нон ёпади тандирга
Бир тўда иссиқ чўғ ловулар.
Сув сепар бир қатор нонларга
Ховур кўтарилар ловуллаб.

Йўловчилар ўтишиб қайтади
Иссиқ тўнларига ўралиб.
Ўчоққа ёқилган оловдан
Тутун кўтарилар буралиб.

Бу менинг болалигим, менинг қишлоғим,
Хотирам кўзгусида бу тирик хаёт
Яшайверар ўчмасдан,
Яшайверар кўнглимининг бурчиди
Бир ери, бир сирни кўчмасдан.

Саодат АҲМЕДОВА.

Буюклар фикри

Бахтли бўлиш сирини Ҳазрати
Пайғамбар алайҳис саломдан ўрган.
Аллоҳ таоло сенга нимани берса,
Ўшанга рози бўл!

Бошинга келган дардга, ба-
лога рози бўлиб, оҳ-воҳ қилма-
санг сенга ўша замон жаннат
эшиги очилади.

Агар ғам элчиси сенга келса,
уни кадрдон чикарсин!
дўстингдек кутиб ол, уни қучоқла.
Зотан у сенга бегона эмас,
у билан ошноли-



© Жалолоддин РУМИЙ

БУЮК ЧОРАСИЗЛИК

(Ҳикоя)

Ишдан чиқаётганимда майдалаб ёмғир ёғарди.
Ёмғирни яхши кўрганам учун бироз айланиб,
уйим тарафга юрадиган маршрут-таксилар олди
етганимда шовиллаб куйиб юборди. Ҳаддан зиёд
ёмғирсеварлигимга хайрон бўлганларга ўзимча
бир дунё сабаблар кўрсатардим. Ўйласам,
буларнинг бари маҳмадоналикдан бошқа
нарсасиз экан. Ёмғир, қор ёки бошқа бирор
ниманидир ёки кимнидир яхши кўриш учун
сабаб излашнинг сираям ҳождати йўқ экан.
Ахир инсоннинг фитратида эмасми,
буларнинг асл сабаби? Машина ойнасидан
қўлимни ташқарига чиқардим.

- Ёпиб кўясизми? Совуқ, - деди ҳам-
роҳим.

"Ха", дея жилмайиб, ойнани ёпарканман,
кизиқ, ёмғирни ёқтирмайдиган одамлар
ҳам бўлармикан-а, деб ўйладим. Момақалдирок
қаттиқ гўмбурлади, чўчиб тушдим. Кичиклигимда
бирор нарсадан кўрсам, миямининг ўйлайдиган
жойини "ўчириб" қўйгим келарди, шунда
ҳеч нарсадан кўрмайман, деб ўйлардим.
Бу одат эсимни таниганимда ҳам йўқолмади.
Баъзида жуда мушкул муаммоларга дуч
келсам, миямининг ўйлайдиган жойини
"ўчириб" қўйгим келади. Биламанки,
тақдир азалнинг баъзи ишларини ўйлаганим
билан ҳал қилолмайман, аммо барибир
ўйлашдан тўхтолмайман ҳам.

- Опа, собонингиз йўқми? - ҳар куни
катнаганим учун яхши танийдиган ёшгина
ҳайдовчининг овози хаёллари гирдобидан
чиқишга мажбур қилди. Бекатимга яқин
қолибди, аммо ўйимга яна бироз пиёда
юришга тўғри келарди.

- Йўқ, - дедим бироз хижолат тортиб,
- қўяверинг, менга ёмғирда юриш ёқади.

- Йўқ-ё, ёғинини қаранг. Бир қадам
юрмасдан ивиб кетасиз, ташлаб кўяман
уйингизгача.

Индамдим. Рад этиш аҳмоқлик,
кишининг бир тутам куни, атрофни
қоронғулик қоплаганди. Бекатимга яқин
қолганида, қабристон олдидан ўтаётиб,
унинг дарвозаси ёнида турган кичкина
болакайга кўзим тушди. Шунда ҳеч
ёмғирда, яна кечки пайт, нима қилаётгани
бу ерда? Эғнадаги қийиллари юпқагина
эди. Биладим, нима ўтди хаёлимдан,
"Тўхтатинг!" дедим жонхолотда.

Ҳайдовчи шошиб тормоқ берди:
- Тинчликми? Танийсизми? - у ҳам шу
болакайга қараб келаётган экан
шекили. - Қўтиб тураман, олиб кела
қолинг. Уйдагилари кўрмай қолганга
ўхшайди чиқиб кетганини.

Юғриб йўлнинг нариги тарафига
ўтганимча уст-бошим шалаббо бўлди.
Боланинг оёғидаги қовушчалари,
пайпоқчиси ивиб кетибди.

- Нима қилган бу ерда, оинг қарда?
- балки онаси бирон кимнинг қабрига
келган бўлса, ичкаридамикин,
деган фикр ўтди кўнглимдан,
лекин қайси ақли жойида одам
бунақа жалада, яна шом маҳали
қабристонга келади?

САККИЗЛИК

* Кексаларни узоқ умр кўрганлиги
учунгина эмас, ҳаёт синовларига
узоқ бардош бергани учун ҳам
хурмат қилмоқ керак.

* Яхшигаям, ёмонгаям бирдек
яхши кўринишга уринадиган одам
энг хавфли одамдир.

* Сартарошни сувочки қўлиб
қўйсангиз, деворга совун кўпиги
суртади. Этиқдўзни сартарош
қилсангиз, одамни бошига мих
қоқад...

* Эрталаб турганимда, кундузи
юрганымда, кечаси ухлаганимда
ҳеч қаринг оғримаса шунинг ўзи
бахт!

* Дунёда меҳрдан арзон нарса йўқ.
Бир оғиз ширин сўз, бир чимдим
меҳр кимни ўлдирибди! Биз эса
шуни ҳам бир-биримиздан аямиз...

* Мушук ўзи итдан қочиб дарахтга
қақиди-ю, яна дарахтдаги қушларга
дағ-даға қилади...

* Инсоннинг баҳоси бу дунёда ўзи
олгани билан эмас, ўзидан қолгани
билан белгиланади.

* Дарахт бир жойда кўқаради,
дейишади. Тўппа-тўғри, бу гап
дарахтларга жуда мос тушади.
Одамларга эмас!

Ўткир ҲОШИМОВ.

Ғаройиб сўзлар



Мунофиқ - борингда сени мақтайди,
йўғингда сенга хиёнат қилади.

Иш - кундалик озуқа бўлиб,
у билан барча турдаги очлик
тўйғизилади.

Сирлар - лозим бўлган вақтда
бошқалар сенинг зиддинга
фойдаланишлари мумкин бўлган
маълумотлар.

Муҳаббат - шундай ҳиссиётлар
оролики, унинг ҳар тарафидан
муносиблар билан ўралган.

Тўғрилик - шундай қитъаки,
ундан кейин бошқаси кашф
қилинмайди.

Сукут - бу сўзлашиш илмидаги энг қийин илмдир.

Миш-миш - товуш тезлигидан ҳам тез тарқалувчи нарса.

ЛАТИФА

Кўчада бир чиройли аёл бир эркакни олди
гача келиб:

- Кечирасиз, назаримда сиз болаларимдан
бирининг отаси бўлсангиз керак.

Дахшадан қотиб қолган эркак:
- Йўғе, бўлиши мумкинмас. Наҳотки?
- Ўзини босинг. Нега ховлиқасиз.
Ман ўқитувчиман дегармиш.

Эр-хотин турмуш қуришганини 35 йиллигини
нишонлашаётган экан. Осмондан бир фаришта
тушиб: "Аазиларим, ҳамма ҳам 35 йил бир
ёстиққа бош қўйиш бахтига муяссар бўлавермай-



лан бир силкиган экан, эри 92 ёшли чолга
айланиб қолибди?
ХУЛОСА: ношуқур эркаклар, билиб қўйинг, фаришталар ҳам АЁЛлардир!